

ҒАРБ ВА ШАРҚ БАДИЙТИДА АДАБИЙ ҚАҲРАМОН ВА МИЛЛИЙ РУҲ ИФОДАСИ

Махлиё Юнусовна УМАРОВА

Докторант, филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

ПРОБЛЕМА ИЗОБРАЖЕНИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ГЕРОЯ И НАЦИОНАЛЬНОГО ДУХА В ЗАПАДНОЙ И ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Махлиё Юнусовна УМАРОВА

Докторант, кандидат филологических наук. доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан.

THE PROBLEM OF REFLECTING THE LITERARY HERO AND THE NATIONAL SPIRIT IN WESTERN AND EASTERN WORKS

Makhliyo Yunusovna UMAROVA

Doctoral student, Candidate of Philological Sciences,
Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan
u.mahliyo@mail.ru, m.umarova@uzswlu.uz

UDC (УЎҚ, УДК): 82.091

For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):
Умарова М. Ю. Ғарб ва шарқ бадиийтида адабий
қаҳрамон ва миллий руҳ ифодаси// Ўзбекистонда
хорижий тиллар.— 2020.—№ 5 (34).— С.238-250

<https://doi.org/10.36078/1612766803>

Received: October 27. 2020

Accepted: November 25. 2020

Published: December 20. 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада Ғарб ва Шарқ бадиий асарларида адабий қаҳрамон ва у орқали ифодаланган миллий колорит, миллий тарих ва миллат анъаналари масалалари таҳлилга тортилган. Адабиётшунослиқда адабий қаҳрамон баҳс-мунозарали ва долзарб тушунчалардан хисобланади. Чунки бадиий асардаги қаҳрамон китобхон тафаккури, маънавияти, ахлоқининг ўзгаришига кўмак беради. Бадиий асарда муаллифнинг олам ва одам хусусидаги карашлари қаҳрамон онги йўналишида ўз ифодасини топади. Ижобий қаҳрамон ўқувчи учун таклид намунаси бўлгани боис қаҳрамон яратиш жуда мураккаб. Адабий қаҳрамоннинг таъсир кучи уларнинг ижобий ёки салбий бўлишида эмас, уларнинг хаётийлиги ва хаёт хақиқатига мослигидадир. Ҳар бир миллат ёзувчиси ўз қадриятлари, урф-одатлари заминида қаҳрамон яратади. Чунки унинг қаҳрамонида миллат гояси, тили, миллат тарихи ва тақдири акс этиши тайин. Демак, ёзувчи қайси миллатга мансуб бўлса, қаҳрамонда ўша миллат руҳи хукмронлик қиласи. Ғарб ва Шарқ асарлари қаҳрамонларини ўрганар эканмиз, улардаги муштарак жиҳатлар муаллиф характеристикасида, қаҳрамонлар диалогларида ва портрет чизикларида намоён бўлганини гувоҳи бўламиз. Мақолада таникли инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг асарлари ва қаҳрамонлари таҳлил қилиниб, миллий ўзига хослик аниқланган.

Калит сўзлари: ижодкор дунёкараши; адабий қаҳрамон; миллий руҳ; урф-одат; фалсафий ёндашув; образ; персонаж; характер; тип; адабий давр.

Аннотация. В статье анализируются проблемы литературного героя и национального колорита, национальной истории и традиций, отраженные в произведениях Запада и Востока.

В литературоведении понятие литературный герой является одним из наиболее спорных и актуальных. Главный герой в произведении

влияет на читателя и тем самым помогает изменить человеческое мышление, духовность, мораль. Авторские взгляды на мир и человека выражаются через главного героя. Положительный главный герой служит образцом для подражания читателю. Вот почему создание героя в произведении является важной и сложной задачей. Сила влияния литературного героя заключается не в его положительных или отрицательных качествах, а в его соответствии жизни. Каждый национальный писатель создает героя на основе своих собственных ценностей и национальных традиций. Его герою суждено отразить идею, язык, историю и судьбу нации. При изучении героев западных и восточных произведений, мы видим, что их общие черты отражаются в характеристике автора, в диалогах героев и в портретных описаниях. В статье анализируются произведения известных английских и узбекских писателей и их герои, а также выявляются аспекты их национальной идентичности.

Ключевые слова: творческое мировоззрение; литературный герой; национальный дух; традиция; философский подход; образ; характер; характер; тип; литературный период.

Abstract. This article is devoted to the issues of the literary hero and the national color, national history and traditions of the nation expressed in western and eastern works. In literary criticism, the literary protagonist is one of the most controversial and topical concepts. The protagonist in a work enables to change human thinking, spirituality and morality. In the work of art, the author's views on the world and a human being are expressed in the direction of the protagonist's consciousness. The protagonist serves as a role model for the reader. That is why creating a hero in a work is a very important and complex task. The power of a literary hero's influence lies not in the protagonist or antagonist of the work, but in their vitality and conformity to the realities of life. The writer of each nation creates a hero on the basis of his own values and traditions. Because his hero is destined to reflect the idea, language, history and destiny of the nation. Hence, the spirit of the nation to which the writer belongs is a part of that nation. While studying the heroes of Western and Eastern works, we see that their commonalities are reflected in the author's characterization throughout the plot, in the dialogues of the heroes and in the portrait lines. The article analyzes the works of famous English and Uzbek writers and their heroes, and identifies aspects of their national identity.

Keywords: creative worldview; literary hero; national spirit; tradition; philosophical approach; image; character; character; type; literary period.

Кириш. Бадиий асарда ижодкор дунёкараши, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, максад ва вазифалари, фалсафий ёндашуви адабий образларида ифодаланади. Адабиётшунос Э. Худойбердиевнинг изоҳлашича: “Қадим замонлардан, яъни ибтидоий жамоа тузумидан ҳодиса ва шахсларга тақлид қилинган. Адабиётнинг кейинги тараққиётида муайян синфлар, гурухлар ва ижтимоий йуналишларнинг ўзига хос белгиларини мужассамлаштирган шахслар типи ёрқинроқ ва тўлиқроқ кўрина бошлади” (18, 40). Санъат ва адабиётдаги инсон образи дастлаб илоҳий кучлар, худолар билан боғланиб кўрсатилган. Қадимги эртак ва достонларимиздаги “Билгамиш”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби қаҳрамонларимиз ҳам илоҳий кучга эга образлардир. Абдулла Қодирий ҳам ўзининг “Ижод маشاққати” рисоласида “Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср достон ва хикоялари билан озиқланиб келадир” (22, 12) деб таъкидлайди. Фарбда ҳам юонон-рим санъат асарларида Зевс, Аполлон, Афина, Афродита,

Дионис, Арес, Посейдон (4, 28) каби маъбудларга сифинишиб, уларга ибодат қилишган. Улар ҳакида афсоналар яратилиб, эзгулик ва ёвузлик каби фазилатлар куйланган. Буюк Гомер ва қадимги юон трагедиянавислари асарларида қаҳрамонлар (Рометей, Ахиллес, Гектор, Одиссей, Эдип, Антигонлар) ўша даврлардаги юон ҳалқига хос бўлган қарашларни, ҳис-туйғуларни ўзларида мужассамлаштирган эдилар (19, 259). Инсонлар улардаги илоҳий куч ва сеҳрга ишонардилар ва қойил қолардилар. Кўриниб турибдики азал-азалдан қандай санъат асари бўлмасин унда қаҳрамон яратилиб, инсониятга хос бўлган фазилатлар куйланган.

Рус олимаси Гинзбургнинг фикрича, адабий қаҳрамон, моҳиятига кўра, бирон-бир шахснинг берилган матнда кетма-кет тилга олинишидир. Бир бадиий матн давомида қаҳрамон турли қўринишларда тасвирланиши мумкин, яъни бошқа қаҳрамонларнинг сухбатлари давомида эсланиши, қаҳрамон характери таҳлил қилиниши, шунингдек, унинг сўзлар, имо-ишоралар, харакатлар ва бошқалар билан рўй берган кечинмалари, фикрлари, нутклари, ташқи қўриниши ва саҳнада муаллиф ёки хикоячининг характер билан боғлиқ воқеаларда ёдга олиниши мумкин (7, 89). Ҳақиқатан ҳам, қаҳрамон нафақат асарда ўзи иштирок этиши, балки у ҳакида бошқа қаҳрамон томонидан бутун асар давомида гапирилиши мумкин.

Адабиёт ҳакида гап кетганда, шубҳасиз, қоғозда ёзилган бирон-бир воқеа, уларда иштирок этган одамлар, ҳайрат, даҳшат, завқ ёки ҳайкириқлардан тортиб барчаси ҳакида гап кетади. Буларнинг ҳаммаси бир хилдек. Асардаги “буюк характер” буюк бадиий асарнинг ёркин белгисидир (28). Чунки бадиий асар негизида қаҳрамон мужассам. Бадиий асарнинг асосий мавзуси инсон бўлиб, у орқали адабиёт ўзининг муқаддас бурчини характерлар ва типларни бадиий кўрсатиш йўли билан адо этади (19, 250). Асарнинг барча тафсилотлари инсон атрофида рўй беради. Асар қаҳрамонлари ҳайвон образлари бўлган тақдирда ҳам бадиий асарни ўқиб, хулоса чиқарадиган инсондир.

Адабиётшуносликда адабий қаҳрамон тушунчаси билан ҳамоҳанг равишда “образ”, персонаж” “характер”, “тип” каби атамалар учрайди. Образ ҳакидаги дастлабки маълумотларни Аристотельнинг “Поэзия санъати ҳакида” номли асарида “мимесис”, яъни тақлид шаклида учратиш мумкин. Олим турмушга тақлид сифатида образ яратилади, деб ҳисоблаган. Кейинчалик немис файласуфи Гегель ўзининг эстетикага оид асарларида санъат ҳакида фикр юритиб “санъат — образлар орқали фикрлаш”, деб таъкидлаган. Рус атамашунослигига “образ” атамаси ўрнига XX аср бошларигача “тимсол”, “тасвир”, “нусха” каби иборалар ишлатилган. Асримизнинг 20–30 йилларида ўзбек атамашунослигига “образ” атамаси кириб келган (18, 51). Бу атамалар бир-бирини тўлдириши билан бир қаторда бадиий асар таҳлили давомида жуда кўп кўлланилади.

Адабиётшунос Т.Бобоев таърифича, “образ” деганда асарда қатнашувчи барча одамлар ҳаёти тасвири (асар сюжетида ҳар хил “юк” ташувчи шахслар — бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ англашилади). Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажralиб турувчи, асар сюжетида “катта юк” ташувчи шахсларгина характер бўлса, ижтимоий гуруҳ ёхуд синфнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи — даврнинг катта умумлашмаси бўла оладиган характер адабий тип деб юритилади. Оғзаки ва ёзма нутқда “персонаж” ва “образ” атамалари бир-бирининг синоними сифатида ҳам кўлланилаверади (3, 51). Демак, ўзининг индивидуал харакатлари ва руҳий кечинмалари билан ижтимоий

шароитда намоён бўладиган инсоннинг аниқ ифодаси характер деб юритилади.

Матёкуб Кўшжонов “характер”га “аниқ, ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажralиб турадиган образ”(23, 12–16), дея таъриф беради. Бу борада Оксфорд лугатида “қаҳрамон”га куйидагича таъриф берилган: “Қаҳрамон – бадий ёки драматик асардаги бош характер. Кўпгина асарларда (эпик шеърлардан ташқари), одатий қаҳрамонлик жиҳатлари мужассамлашган ҳайратланарли жасорат ёки олижаноблик каби фазилатларга эга инсон тушунилмаслиги учун кўпроқ “протогонист” нейтрал атамаси сифатида кўлланилади. Чунки бош қаҳрамон маънавий ёки бошқа жиҳатдан устун бўлмаслиги мумкин. Қаҳрамонлик фазилатларига эга бўлмаган, китобхоннинг умидини пучга чиқарган марказий характер бўлса, “анти-қаҳрамон” (“anti-hero) деб кўлланилади” (27, 112). Бу атама замирида салбий қаҳрамон тушунилади.

Персонаж сўзи француз тилида “personnage”, инглизчада “character”, немис тилида “person”, “figur” сўзидан олинган бўлиб, нарратология ғояларига кўра бадий асар деб аталмиш коммуникатив яхлитликнинг турли томонларидаги кесишмаларда жойлашган мураккаб, кўп компонентли ҳодисадир (26, 90). Л.Чернец замонавий адабиётшуносликда кўпроқ “адабий қаҳрамон”, драмада “харакатланувчи шахс”(5, 197) каби сўз бирикмалари персонаж ўрнида кўлланилаётганини таъкидлайди. Асадаги барча персонаж қаҳрамон бўлавермайди. Шу ўринда адабиётшунослик лугатида адабий қаҳрамонга берилган таърифни кўриб чиқсан. Адабий қаҳрамон – асар персонажлари тизимида етакчи мавке эгаллаб, ғоявий-бадий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муҳим роль ўйновчи шахс образи. Терминни бу маънода тушуниш эпик ёки драматик асар персонажларини даражалашни кўзда тутади: сюжет воқеалари қаҳрамон атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ ҳолда асар воқелигига киритилади; улар қаҳрамон билан интегратив алоқада (ҳоким-тобе) бўлиб, унга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажаради. Кўп чизиқли мураккаб сюжет қурилишига эга йирик ҳажмли асарларда бир эмас, бир нечта қаҳрамонлар харакатланиши ҳам мумкин. Бу ҳолда персонажлар системаси ўз ичida микросистемаларга ажратилиб, уларнинг марказида қаҳрамонлардан бири туради (24, 378). Кўриниб турибдики, асадаги ҳамма персонаж ҳам адабий қаҳрамон бўлавермайди.

Адабиётшуносликда адабий даврларнинг ўзгариши ўз навбатида адабий қаҳрамоннинг ўзгариши билан белгиланади. Бадий ҳақиқат гарчи турли хил тарихий даврларда ва турли ёзувчилар орасида турли тарзда учраса-да у ҳар доим ҳаётий ҳақиқат билан узвий боғлиқ (13, 149). Вақт, давр ўтган сари мавзулар, муаммолар, ғоялар, мотив, сюжетлар: муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик, ота-она ва болалар муносабати, одамлар, куч-кудрат ва халқ турлича бўлиши мумкин. Асаларда ижодкор ўзининг давридан келиб чиқкан ҳолда фикр юритиб, қаҳрамон яратади. Аммо ҳар бир янги давр адабиёти, тарихий давр билан бирга ўзгариб, ҳаётдаги ўзгаришларга янги ижтимоий муносабатларга теранлик билан ёндашиб, янги шакллар, воситалар, техникалар, ритмларни ўзгариши билан биринчи навбатда, адабий қаҳрамонни ўзгартириши орқали ўз ривожланишининг янги босқичига ўтади.

Санъаткорлар муайян шахсларни тасвирлайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин (Негаки, шахсларнинг қандайлиги шу билан белгиланади, зоро, ҳамма одамлар характерларидағи иллатлари ёки фазилатлари жиҳатидан фарқланадилар). Улар биздан яхшироқ ёки

биздан ёмонроқ ёки ҳатто биздек бўладилар (1, 21–22). Кўп ҳолларда китобхон бадиий асарни ундаги воқеалар ёки ижтимоий мухитни эмас, ундаги қаҳрамонларни эсда сақлаб қолади. Ижобий қаҳрамонларнинг хислатларига эргашади, салбий қаҳрамонлардан нафратланади. Шундай экан, ижодкор у яратган қаҳрамонлари билан китобхонга танилади, шу билан бирга, ўша қаҳрамонлари билан ижтимоий-сиёсий куч таъсирига эга. Шунинг учун Шекспир ҳакида сўз кетганда, Ҳамлет, Ромео, Жульєтта, қирол Лир, Отеллолар; Навоий хусусида мулоҳаза юритилганда, Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун; Сервантес деганда Дон Кихот; Чарлз Диккенс ёдга олингандা, Оливер Твист; Марк Твенни эслаганды, Том Сойер; Лев Толстой ҳакида фикр юритилганда, Анна Каренина каби адабий қаҳрамонлар беихтиёр тилга олинади. Асадаги воқеа-ходисалар, ижтимоий-сиёсий масалалар, эътибор қаратилган турли муаммолар эса адабий қаҳрамон тимсолида муайян давр кишиларнинг дарди, ташвишларини акс эттириш омили ҳисобланади. Рицарлик, куртуаз романларининг қаҳрамонлари бўлган рицарлар, кўркмас ботирлар, ёш аслзода йигитлар — барчаси ўз даврининг идеал қаҳрамонларини ифода этади.

А.Улуговнинг таърифича: “Адабий қаҳрамон ҳар доим адабиётнинг энг мухим муаммоларидан бири саналади. Чунки адабиётнинг “қиёфа”си, унда Одам ва олам манзаралари тасвири, аввало, адабий қаҳрамонларда акс этади”(15, 141). Ҳар бир даврнинг адабий қаҳрамони ўша мухит, ижтимоий ҳаёт ва миллат ҳакида ахборот беради. Унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеалар заминида тарих ва давр тафсилотлари ётади.

Ёзувчининг ҳар бир қаҳрамонга бўлган муносабати китобхонда ҳам шундай муносабат уйғотади: у қайси образ (тақдири)дан ҳаяжонга келса, йиғласа, айбласа, нафратланса, биз ҳам ҳаяжонланамиз, йиғлаймиз, айблаймиз, нафратланамиз (16, 90). Дарҳақиқат, ёш боланинг эртаклардаги ижобий қаҳрамонларга тақлид қилиши, ўша қаҳрамонлардан ибрат олиб, яхши тарафларини ота-онасига кўрсатиши, нафратланган одамларини эса салбий қаҳрамонларга ўхшатиши ҳаётимизда учрайдиган ходисалардандир. Чунки адабий қаҳрамон атрофдаги ходисаларни тушунишига ва яхши-ёмонни ажратишига ёрдам беради. Қаҳрамон факат эстетик категориягина бўлмай, этик категория ҳамдир. Шунинг учун адабиётшуносликда ижобий қаҳрамон, салбий қаҳрамон, тушунчалари ҳам фарқланади (24, 378). Бу, албатта, китобхонни ҳаёт эзгулик ва ёвузликнинг ўртасидаги курашдан иборат эканлигини исботлаб беради.

Илк ўрта асрлар мутафаккири Татианнинг фикрича, антик поэзияда (хусусан, Гомер достонларида) қирғин жанглар, қотилликлар, соҳта илоҳларнинг ишқий саргузаштлари (ахлоқсизлиги, бузуклиги) тасвирланганни учун томошабинларни, ўкувчиларни ҳам ахлоқсизликка ўргатади. “Илиада” достонида юнонлар ва трояниклар ўртасида ўн йил давом этган қирғин урушнинг сабабчиси ҳам Париснинг Спартага меҳмон бўлиб бориб, подшоҳ Менелайнинг соҳибжамол хотини Еленани ўғирлаб кетиши, яъни бузукчилиги сабаб бўлган. Бизнингча, Гомер ўз достонида гўзал Елена ўз эрини яхши кўрмаслиги, троялик шаҳзода Парисни севиб қолишини оқлаш мақсадида Ахиллга нисбатан Менелайни ва акаси Агамемнонни салбий рангларда тасвирлайди (4, 28). Кўриниб турибдики, неча асралар муқаддам ҳам инсонлар ижобий ва салбий қаҳрамонларни бир-биридан ажратиб, улардан хулоса чиқаришга муваффак бўлганлар.

У ёки бу бадиий асар қайси ҳалқ ёки миллат ҳаёти ҳакида ҳикоя қиласа, шу ҳалқ, ёки миллатнинг руҳини, анъаналарини, миллий

белгиларини ифодалаши табиий (3, 86). Ҳар бир даврнинг адабий қаҳрамони ўша мухит, ижтимоий ҳаёт ва миллат хақида ахборот беради. Унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеалар заминида тарих ва давр тафсилотлари ётади. Белинский таърифлаганидек, “Ёзувчи қайси миллатга мансуб бўлса, унда ўша миллат руҳи хукмрон. Мухит, шароитни тасвирлаш алоҳида мақсад эмас, чунки қаҳрамон шу мухит, шароитда ҳаракат қиласи ва яшайди. Бундан ташқари, ёзувчи урф-одатларни акс эттиришни алоҳида мақсад килиб олмаган, у этнограф эмас, у этнографияни эмас, балки ҳаётни акс эттиради. Ҳар бир халқ поэзиясида мамлакат табиати (жойи) ва руҳи (миллати) акс этади” (2, 234). Қаҳрамонларнинг исмларидан тортиб, кийинишилларигача, руҳий кечинмаларидан тортиб, урф-одатларигача, табиат тасвири буларнинг барчасида ёзувчининг миллий руҳияти акс этмасдан иложи йўқ. У.Тўйчиев бу масалага шундай изоҳ беради: “Миллий ёзувчи бошқа халқ ҳаётидан бошқа тилда ёзиши айб ва гуноҳ эмас, аммо у, барибир, бундай ҳолда ҳам, ўз асарида ўз миллий ҳис ва миллий руҳидан бутунлай воз кеча олмайди. Миллийликсиз, байналмилликсиз адабиёт маънавий ва шаклан қашшоқлашиб қолади” (14, 454). Бунинг асосий сабаби эса унинг миллатига хос фазилатлар қон-қонига сингиб кетганидандир.

Ёзувчи ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий мавкеида мустаҳкам турса, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз халқининг илғор фарзанди нуқтаи назаридан қараса ва келажакка назар сола билса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарийлик тусини олади. Адабиётнинг бундай хислатларини эса китобхон, биринчи галда, қаҳрамон сиймосида, унинг фаолиятида, хатти-ҳаракатларида, килиқ-одатларида, ахлоқ ва одобида кўради (3, 87).

Таникли ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” деб номланувчи ҳикоясида бир муштипар онанинг ўз болалари баҳтига дуо қилиши шу тарзда тасвирланган: “Саодат ая бомдод намозини ўқиб, жойнамоз пойида узоқ ўтириб қолди. Бундан уч ийл олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб, Куръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга Ҳудодан инсоф тилади. Баҳти очилмай гулдек умри ҳазон бўлаётган қизи Кумрига ачиниб, “Шу фарииштагинанинг йўлини оч” – деб Аллоҳга илтижо қилди (12, 100). Асар қаҳрамони Саодат ая ўғлига инсоф ва бўйи етган қизига Ҳудодан баҳт тилаб, жойнамозда ўтирибди. Бу мисраларда ўзбек менталитетига хос бўлган белгилар ўз ифодасини топганининг гувоҳи бўламиз.

Инглиз адабиётининг шоҳ асарларидан бўлган Жейн Остиннинг “Андиша ва ғурур” асари қаҳрамонларидан беш қизнинг онаси бўлган Миссис Беннет шаҳарчаларига жуда ҳам бадавлат йигит мистер Бингли кўчиб келаётгани ва у бўйдоқлиги ҳақида ўзининг турмуш ўртоғи мистер Беннетга сўзлаб беради: “Бўйдоқ, азизим, ҳамма гап шунда-да. бўйдоқ! Йилига тўрт ёки беши минг даромад топадиган бўйдоқ! Бизнинг қизларимиз учун жуда қулай имконият-а?” (10, 9) Юқорида келтирилган икки асарда ҳам она қизлари ҳақида қандай қайгураётгани тасвири келтирилади. Ғарб ва Шарқ ёзувчилари ўз урф-одат ва ижтимоий ҳаётларидан келиб чиқкан ҳолда қаҳрамонларнинг қарашлари ўй-фикрларини ифодалашган. Ҳар бир адабий давр қаҳрамони “берилган формулалар” асосида яратилган (Л. Гинзбург атамаси), давр қаҳрамони таникли ва у муайян белгилар, фазилатлар тизимининг бошловчиси вазифасида тасвирланади. В. Хализевнинг ёзишича: “Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бадий асарлар нафақат муаллифнинг миллати ва яшаган мамлакатига тегишли бўлган инсонлар ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ахборот беради. Санъат асарларида (асрдан-асрга тобора кўпроқ) дунё маданиятининг таъсири сезилади, санъаткорлар ва

айниқса ёзувчиларнинг турли ҳалқлар, мамлакатлар, мінтакалар ҳаётига бўлган қизиқиши асарда акс этади. Шундай қилиб, адабиётшуносликда хорижий мамлакатларга саёҳат қилиш жанри мавжуд бўлиб, унинг хусусиятлари қайсиидир даражада Ҳомернинг "Одиссея" достони билан боғлиқ" (17, 18).

Ў. Ҳошимовнинг "Ўзбеклар" деб номланувчи ҳикоялар тўпламидаги ҳар бир қаҳрамонда мужассам бўлган шарқ, ҳусусан ўзбек миллатига хос бўлган ҳаё-ибо, ота-онага ҳурмат, андиша каби фазилатларни жонли тасврни ўқиш мумкин. Унинг "Умр савдоси" ҳикоясидаги ҳаётида алданиб, турмуши бузилган Ҳуршида образи орқали аспирантман деб, ўзини таништириб, кўнглидан жой олган Анварга бўлган муҳаббати ва пушаймони тасвирланади. Ҳуршиданнинг кундоши уйига боласи билан келганида ҳақиқат ошкор бўлиб, Анвар аввал икки марта уйланганини эшитиб, аёлга ташланади. Бошидаги "сим" рўмолга чанг солди. Аммо шу он изтиробга тўла бир чинқирик янгради-ю, Ҳуршиданнинг қўллари ҳавода муаллақ қолиб кетди.

— *Буви! Бувижон!* — Боядан бери магнитофон олдида ўралашиб юрган болакай ўқдек отилиб келиб онасига ёпишиди. Шундагина Ҳуршида аёлнинг кўзларидан оқиб келаётган ёшини кўрди. Аёл негадир қаловланиб ўрнидан турди. Бир қўли билан боланинг бошини силай бошлади, бир қўли билан Ҳуршиданнинг елкасини қучди.

— *Пешананг ишур экан, синглим!* Кўзиннга қарасанг бўлмасмиди!
— *Шундай деди-ю, елкалари силкиниб, ииғлаб юборди* (25, 83–84). Асарда кундош бўлса-да, Ҳуршидага раҳми келиб, унга "синглим" деб мурожаат қилиб, чин дилдан ачинаётган аёл образи маромига етказиб тасвирланган. Бу тасвирда ўзбекнинг ҳурмати, раҳмдиллиги шу билан бирга шарқ аёлларининг андишаси ўз аксини топган.

Юқорида парча келтирилган Жейн Остиннинг "Андиша ва ғурур" асарига яна мурожаат қилсак. Асар қаҳрамонларидан бўлган миссис Беннетнинг бешинчи кенжак қизи Лидия бир аскар билан дон олишиб юриб, ота-онасининг розилигисиз унга турмушга чиқиб, бошқа шаҳарга қочиб кетади. Маълум вақт ўтгач, улар тўйлари бўлганини эълон қилишади ва Лидиянинг уйига меҳмонга келишади. Лидиянинг ота-онаси, барча опалари бир стол атрофига йиғилишиб, оила даврасида овқатланишади. Лидия ҳамма опаларидан олдин турмуш қурганидан жуда хурсанд бўлиб, катта опаси Жейнга шундай дейди: — *Жейн, сенинг ўрнингда мен ўтиришим керак, сен эса суриласан. Ахир мен турмушга чиққанман* (10, 329). Ёзувчи ушбу қаҳрамон билан ўз миллатининг қизларида баҳтлиман дейишининг асл маъноси нима эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Миллий ўзига хослик макон ва замон билангина изоҳланмайди, қаҳрамон ҳарактери тасвири бу масала марказида туради, чунки ҳаёт ва ундаги ғоялар инсон образи орқали кўрсатилади (14, 451). Бу билан Ғарб асарларида нотўғри, бизда ҳамма қаҳрамон ибрат қиласи даражада деб эмас, балки ҳар бир миллатнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаси турлича, ҳар бир ёзувчи ўзининг менталитетидан келиб чиқиб, ўзининг идеал қаҳрамонини яратади, демоқчимиз.

Ўзбек адабиётининг биринчи романи ҳисобланган "Ўткан кунлар" асарининг ҳар бир қаҳрамонида ўзбек менталитетига хос бўлган фазилатларни учратиш мумкин. Асар бошида шундай манзара бор. *Отабек тўхтаган карвонсаройга Зиё шоҳчининг ўғли Раҳмат билан Ҳомид кириб келганида Отабек маълум вақт бетоб бўлиб тузалган кўуллари бўлмии Ҳасаналидан сўрайди:* — *Тузукмисиз, ота?*

— *Худога шукр!—деди Ҳасанали.* — *Боягидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.*

- Баъзи юмушларни буюрсам ...
- Буюрингиз, ўёлим.
- Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб беринг–чи!
- Хўп, бегим!

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соглиқ сўрашгандан кейин сўради:

- Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг сўзларига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужердан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

- Кулнимиз? (21, 9).

Биргина шу диалог орқали муаллиф Отабекни нақадар тарбияли эканини маҳорат билан тасвирлайдики, китобхонга қаҳрамоннинг характери қандайлигини изоҳлаb ёзишга ҳожат қолмайди. Отабекнинг Ҳасаналини ташқарига чиқиб кетишини кутиб, у кетгандан кейингина “кулнимиз” дейиши заминида каттага хурмат, инсонийлик, инсонларни ўз мавқеидан фойдаланиб, ерга урмаслик, андиша каби миллий фазилатлар асарда ўз аксини топади.

Бадиий асар қаҳрамонларини яратишда ҳар бир ёзувчи ўз “услуби”га хос равища иш тутади. Шу ўринда “Услуб, — деб ёзади Гёте, — идрокнинг энг туб қатламларида, нарсаларга хос мавжудликнинг ўзида карор топади” (6, 401). Муаллиф бадиий образлар орқали акс эттирмоқчи бўлган ўз сўзи ва ҳақиқатига эришиш учун ҳар тарафлама зукко кузатувчи, моҳир рассом бўлмоғи лозим.

М.Горькийнинг таърифича: “Ёзувчи ўз қаҳрамонларига айнан жонли кишиларга қарагандек қараши керак, уларнинг жонли булишлари учун эса ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, кўз ўйинида ва хоказоларда характерли, ўзига хос оригинал хусусиятларни кидириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши, қайд қилиши зарур. Буларнинг хаммасини қайд этиш билан ёзувчи тасвирлаган нарсаларни китобхоннинг тузукроқ кўриши ва эшитишига ёрдам беради. Мутлақо бир хил одамлар бўлмайди, ҳар бир кишининг ички қиёфасида ҳам, ташки кўринишида ҳам қандайдир ўзига хослик бўлади” (8, 108). Ёзувчининг вазифаси эса реал ҳақиқатни маҳорат билан бадиий ифода этиб беришдадир. Шу ўринда хизматкорга муносабат акс этган эпизодни чет эл адабиётида кўрсак. Таникли Америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Америка фожеаси” асарининг бош қаҳрамони Клайд Грифитс асарда ҳашаматли деб таърифланган “Грин Девидсон” меҳмонхонасида хизматчи бўлиб ишга киришида ўша меҳмонхона хўжайини билан учрашишга тўғри келади. Уни кутиб турган маҳал ишчи ўсмири йигит унга ёрдам беради:

— Бу йигитча сиз билан гаплашмоқчи экан, — деди у мистер Скуайрсга.

— Менда ишингиз бормиди? — Мистер Скуайрс Клайдга қарапкан, уни ўрганаётгандай дикқат билан разм солди: боланинг устидаги арzon костюми ҳам унинг назаридан четда қолмади (9, 30). Ёзувчи меҳмонхона эгаси ва хизматчи бўлиб ишга кираётган Клайд ўртасидаги тафовутни шу биргина гап билан тасвирлаши китобхон кўз олдида бой билан камбағал ўртасидаги фарқ яққол ифода этилади.

Қаҳрамонларнинг шарқона тасвири Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг ҳар бир жумласида яққол сезилиб туради. Ҳакикий муҳаббат тасвирини Отабек билан Кумушнинг муносабатида кўрсак, оқил ота ва тарбияли ўғил тасвирини Юсуфбек хожи билан Отабек тимсолларида кўрамиз. Отабекнинг онаси Ўзбек ойим ўз хоҳиши билан ўғлига келин танлаб, Зайнабга унашиб қўяди. Асарнинг бу ҳакидаги

воқеаси баёнида шундай дейилади: "...Анчагина сўзсиз ўтиргандан сўнг ҳожи мулойимона сўз очди.

— Ўёлим, ҳали сен эшиштдингми, йўқми, ҳайтовур, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдиқ..." (21, 137).

Гарчи бу ишни Ўзбекойим қилган бўлса-да, оила муқаддаслиги исботи заминида Юсуфбек ҳожи "биз" дея эътироф этади. Отабек, маълумки, уларнинг "қилиб қўйған ёки қилмоқчи бўлған ишларини" билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

— Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, — деди (21, 137). Шу жавобнинг ўзидаёқ ўзбекона қадриятлар — фарзанднинг ота-она ихтиёрига кескин қарши чиқмаслиги, ота ҳурмати, фарзанд эъзози, оиласабошининг аёли иззатини ошкора тўқмаслиги, айниқса, лафзга вафодорлик фазилати маҳорат билан очиб берилади. Чинакам санъаткор қаламига мансуб бўлган асарларнинг қаҳрамонлари шунчаки расмият учун эмас, балки қонижони, бутун борлиги билан миллий бўлади: уларнинг сўзлаш манералари, хатти-ҳаракати, қилиқ-одати, юриш-туриши... ҳам миллийликдан дарак бериб туради (3, 88). Асл ўзбекона қадриятларнинг акс-садоси бўлган "Ўткан кунлар"нинг чиндан ҳам Қодирий яратган мўъжиза эканлигини асардаги шундай сатрлар исботлаб беради.

Адабий қаҳрамон ва унинг асардаги ўрнига багишлаб жуда кўп ўзбек олимлари асарлар яратишган, илмий ишлар қилишган. Адабиётшунос одим А. Улуғовнинг ҳам адабий қаҳрамонга бағишиланган мақолаларининг бирида қаҳрамонларнинг ўзига хос белгиларидан бири уларнинг исмларидир деб таъкидлайди. Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида ҳар бир инсоннинг исми осмондан тушиши илохий китобда баён этилганини таъкидлаб, Фарҳод туғилганида унинг исми ҳам маълум бўлди. Бу сўзда унинг тақдир-кисматига ишора бор эди, дейди. Бадиий асарлардаги қаҳрамонлар исми кўпинча уларнинг феълатвори, дунёқарашига мувофиқ келади. Албатта, хаётда исми Абдуллатиф бўлатуриб, падаркушлик қилганлар ҳамма замонда топилганидек, адабий асарларда ҳам исми феълатвори, хатти-харакатига номувофиқ қаҳрамонлар учрайди (15, 143). Ҳақиқатан ҳам, асарни безаб унга чирой бериб турадиган сифатлардан бири бу адабий қаҳрамоннинг муаллиф томонидан қўйган исмидир.

Бундай жиҳатларни гарб адабиётида ҳам учратишимииз мумкин. Юқорида таъкидланган Жейн Остиннинг "Андиша ва ғурур" асари қаҳрамонлари Мистер ва Миссис Беннеттнинг иккинчи қизининг исми Элизабет асарнинг бош қаҳрамонларидан ҳисобланади. У опасингилларининг ичida энг оқиласи ва кўп китоб ўқиб, яхши фикрлай олганлиги учун дадаси ҳам у билан сухбатлашишни яхши кўради. Ёзувчининг бу қаҳрамонни Элизабет деб атагани, балким киролича Элизабет I тимсолидир. Чунки барчамизга Англия тарихидан маълумки, киролича Элизабет I уйғониш даврида тахтга ўтирган ва унинг хукмронлиги вақтида илм-маърифатга катта эътибор қаратилган. Юздан ортиқ текин мактаблар очилган, дастлабки университетларга асос солинган. Шу ўринда инглиз адабиётидан яна бир мисол келтирсан. Инглиз романтизм адабиётининг забардаст шоирларидан Жорж Байроннинг "Дон Жуан" номли асари қаҳрамони Дон Жуаннинг исми ҳатто одамлар орасида шунчалар кенг тарқалган эдики, келишган, аёлларнинг севимлиси бўлиб, кўп қиз ўртоқлари бўлган йигитларга "Дон Жуан" келяпти деб мурожаат қилинган. Бу асар қаҳрамонининг жиҳатлари инсонлар онгига муҳрланганидан далолатдир.

Адабий қаҳрамонларни аниқ тасаввур қилишга имкон берадиган иккинчи бир хусусият уларнинг портретидир. Чунки ташки кўриниш —

хар бир одамнинг ўзига хос асосий белгиси. Бадий асарларда ҳам ана шу белгини гавдалантиришга алоҳида аҳамият берилади (15, 143). Ёзувчининг қаҳрамон портретидан ташки кўриниши китобхон кўз олдида гавдаланади. Асар саҳналаштирилишида портрет режиссёр ва актёр учун қулай имкониятлар яратиб бериши табиийдир.

Портрет (фр. *porterre — тасвирламок*) — персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташки кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва харакатлари, қиликлари), ўқувчи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характеристини очиш воситаларидан бири (24, 226). Ёзувчи портретни тасвирлашда қаҳрамоннинг ижобий ёки салбий образлигига алоҳида аҳамият беради. Одатда ижобий қаҳрамонлар гўзал хулқ эгаси бўлиши билан бир каторда, гўзал ташки кўринишига ҳам эгадирлар. Салбий қаҳрамонлар эса аксинча. Лекин шундай қаҳрамонлар борки, уларнинг ташки кўриниши ёзувчи тасвирича, унча гўзал бўлмаса-да, ўзларининг гўзал хулқлари китобхон кўз ўнгидан бадий муҳрланади. Бундай қаҳрамонлардан инглиз адабаси Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” асари бош қаҳрамони губернантка киз Жейн. У ўзининг жасорати ва покиза қалблилиги, инсон қадр-қиммати учун кураш олиб бориши билан китобхонларнинг қалбини забт этган қаҳрамондир. Асар муаллифининг ўзи томонидан ҳикоя қилиб берилгани учун, асар қаҳрамонларига характеристика сюжет давомида диалогларда акс этади. Жейннинг қандай инсон эканлиги уни севиб қолган жаноб Рочестер томонидан айтиб ўтилади: *“Мен сени қанчалик талабчан, оддий бўлсанг, шунчалик тортиноқ эканлигини кўрдим; шу билан бирга мен сени табиатан пок инсон эканлигини ҳам биламан. Мен жаҳлим чиққиб, дилозорлик қилганимда, сен мендан ранжисмадинг, кўрқмадинг. Менга жисмина боқиб, вақти-вақти билан табассуминг билан мени лол қолдирдинг. Мен сендаги бундай фазилатлардан ҳайратда эдим ва янада бошқа ижобий хислатларингни кўришини кутиб яшардим”* (29). (Таржима бизники — М.У) Асар қаҳрамони Жейн гарчи гўзал, ҳамма бир кўришда ошиқ бўлиб қоладиган латофатли қиз бўлмаса ҳам, қалби тоза, тўғрисиз, тарбияли ўта вазмин характеристи образдир. Инглиз реализм адабиётида гўзал ва мафтункор қизлар бадий асарларнинг бош қаҳрамонлари қилиб тасвирланаётган бир пайтда Шарлотта Бронтенинг бу қаҳрамони ўзгача фарқланиб туради. Ёзувчи хунук қаҳрамонининг бу кўриниши билан инсоннинг ички гўзаллиги ташки кўринишдан ҳам муҳимлигини алоҳида таъкидлашининг исботидир.

Айрим асарларда ёзувчилар қаҳрамонни тасвирлашга алоҳида тўхталса, яна айрим ёзувчилар қаҳрамоннинг сиртқи белгиларини асар давомида кўрсатиб ўтадилар. Бу усулнинг афзалиги шундаки, унинг воситасида ташки белгилар ёрдамида қаҳрамоннинг ички дунёсидаги ўзгаришлар яққол юзага чиқади (19, 92). Артур Конан Дойл асарларида қаҳрамон тасвири жуда аниқ қилиб берилади. Унинг маллалар уюшмаси ҳикоясида жаноб Жебез Уилсон тасвири ҳам бунга мисол бўла олади. *“Бир кўришидаёткунинг ўзига бино қўйган, бефаросат, тенса-тебранмас, оддийгина бир майдо дўйондор эканини пайқаш мумкин эди. Катак кулранг шими беўхишов, киргина қора сюртугининг тугмалари солинмаган, қора нимчаси устида тилла суви юритилган йўғон мис занжисир йилтирад, унинг учидаги жевак ўрнида парма билан тешилган аллақандай бир тўртбурчак мепарчаси осилиб туради эди... Нимдошигина силиндири ва гижим баҳмал ёқали, ўнгид кетган қўнгир пальтоси ёнгинасидаги стулда ётарди. Хуллас, бу одамга қанча разм солмай, унинг қизғиши сочидан бошқа кўзга ташланадиган жойини қўрмадим. Унинг қандайдир хунук бир воқеадан саросимада эканлиги кўриниб*

туради" (11, 7). Детектив асарлар устаси бўлган Артур Конан Дойл бу жанрда асар ёзишда портрет мухимлигини яхши билганини учун ҳам унинг асарларидаги қаҳрамонларни китобхон тез кўз олдига келтириш мумкин.

Баъзи асарларда муаллиф қаҳрамон характерининг тасвирини ўша қаҳрамоннинг нутқида ҳам ифода этади. "Бўйим паст, яъни олти футдан камроқ бўлгани ҳолда вазним юз саксон беш фунт эканига одамлар ҳайрон қолишади. Аммо ўзим бундан ранжисимайман. Албатта, сал дарозроқ бўлсан қанийди! Аёллар, кўринишиниздан ўспириндайсиз, дейшишади, аммо мен буни хушомад деб билмайман" (20, 3).

Машхур асарларда қаҳрамон муаллифнинг шахсига қараб тасвирланмайди, бундан ташкари қаҳрамон талқинлари бўйича иш кўрилади. Бир адабий ва тарихий даврнинг ижобий қаҳрамони, бошқа даврда салбий қаҳрамонга айланиши мумкин. Умуман олганда, адабий қаҳрамон — ҳақиқатан ҳам содир бўлаётган маданий ва тарихий жараёнларни акс эттирувчи муайян адабий даврнинг рамзий тимсолидир. Адабий қаҳрамон нафақат уни яратган ёзувчининг, балки ўз даврининг ғояларининг ҳам ташувчисидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. — 351 б.
2. Белинский В.Г. Полн.собр.соч. т.5. — М., Изд-во АН СССР, 1954. — 234 с.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2002. — 542 б
4. Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. — Тошкент: Мумтоз сўз, 2016, 2-жилд. — 411 б.
5. Введение в литерат: Учеб.пособ/Под ред.Л.Чернец. — М.: Высш. шк., 2004. — 197 с.
6. Гёте И.В. Соч.Т. X. — М.,1937. 401 с.
7. Гинзбург Л. О литературном герое. — Ленинград: Советский писатель, 1979. — 223 с.
8. Горький. М.Адабиёт ҳақида. — Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. — 212 б.
9. Драйзер Т. Америка фожеаси. — Тошкент: Ф.Ғулом нашриёти, 1976. — 414 б.
- 10.Остин Ж. Андиша ва ғурур. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. — 404 б.
- 11.Конан Дойл А. Шерлок Холмас ҳақида ҳикоялар. — Тошкент: Юлдузча,1989. — 447 б.
- 12.Сайд Аҳмад. Қоракўз мажнун. — Тошкент: Сано-стандарт, 2018. — 269 б.
- 13.Теория литературы. — М.: Академ наук СССР, 1962. — 452 с.
- 14.Улугов А. Адабий қаҳрамон қадри://Жаҳон адабиёти журнали, 2015. — № 5. — Б.141–147.
- 15.Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари.—Тошкент: Янги авлод, 2011. — 454 б.
- 16.Умурев Ҳ. Бадиий ижод асослари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2001. — 120 б.
- 17.Хализов В. Е. Теориялитературы. — М.: Высшая школа, 1999. — 223 с.
- 18.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. — Тошкент: Шарқ, 2008. — 367 б.
- 19.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 250 б.

20. Шоу И. Тунги дарбон. — Тошкент: Шарқ, 2003. — 318 б.
21. Қодирий. А. Ўткан қунлар. — Тошкент: Фафур Ғулом, 1972. — 137 с.
22. Қодирий А. Ижод мاشаққати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 129 б.
23. Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. — Тошкент: Узадабийнашр, 1962. — 166 б.
24. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. — Тошкент: Академнашр, 2010. — 378 б.
25. Ҳошимов Ў. Ўзбеклар. — Тошкент: Фафур Ғулом, 2018. — 268 б.
26. Энциклопедический справочник “Современное зарубежное литературоведение”. — Москва: Интранда, 1999. — 319 с
27. Chris Baldick. The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms. — New York: Oxford University Press. — 112 p.
28. William H. Gass. The Concept of Character in Fiction. [Эл. ресурс] — URL: https://sahityaparikrama.weebly.com/uploads/1/2/0/9/120943912/the_concept_of_character_in_fiction_william_gass.pdf
29. Bronte Ch. Jane Eyre. — URL: <https://planetebook.com>

References

1. Aristotle., *Poetica* (Poetics), Tashkent: New century generation 2011, 351 p.
2. Belinskiy V.G., *Pol.sob.soch/ (Complete collected works)*, Vol. 5, Moscow: Publ.House AN SSSR, 1954, 234 p.
3. Boboev T., *Adabiyotshunoslik asoslsri* (Fundamentals of Literary Studies), Tashkent: Uzbekistan, 2002, 542 p
4. Boltaboev H., Mahmudov M., *Adabiy-estetik tafakkur tarixi* (History of literary and aesthetic thinking), Volume 2., Tashkent: Classic Word, 2016, 411 p.
5. *Vedeniye v liter* (Introduction to literature): Curriculum. / Under red.L.Chernets. Moscow: High school, 2004, 197p.
6. Goethe I.V., *Soch* (CollectT. X.), Moscow, 1937, 401 p.
7. Ginzburg L., *O literaturnom geroye* (About the literary hero), Leningrad: Soviet writer, 1979, 223 p
8. Gorky. M., *Adabiyot Khaqida* (About literature), Tashkent: State Fiction Publishing House, 1962, 212 p.
9. Drayzer T., *Amerika fojeasi* (American tragedy), Tashkent: G. Gulom Publishing House, 1976, 414p.
10. Austin J., *Andisha va g”urur* (Pride and prejudice), Tashkent: New Age Generation, 2019, 404 p.
11. Conan Doyle A., *Sherlok Holmas haqida hikoyalar* (Stories about Sherlock Holmes), Tashkent: Star, 1989, 447p.
12. Said Ahmad., *Qorakuz majnun* (The dog Korakuz), Tashkent: Sano-standart, 2018, 269 p.
13. Teoriya literature, (*Literary theory*), Moscow: Akadem of science SSSR, 1962, 452 p.
14. Ulugov A., *Journal of World Literature*, 2015, No.5. pp.141–147.
15. Tuichiev U., *Uzbek adabietida badiilik mezonlari va ularning marommlari* (Criteria of artistry in Uzbek literature and their rhythm), Tashkent: New generation, 2011, 454 p.
16. Umurov H., *Badiiy ijod asoslari* (*Fundamentals of artistic creation*), Tashkent: Uzbekistan, 2001, 120 p.

17. Xalizev V. Ye., *Teoriya literaturi* (Literary theory), Moscow: High school, 1999, 223 p.
18. Xudoyberdiev E., *Adabiyotshunoslikka kirish* (Introduction to Literary Studies), Tashkent: East, 2008. 367 p.
19. Khudoiberdiev E., *Adabietshunoslikka kirish (Introduction to literary studies)*, Tashkent: Teacher, 1995, 250 p.
20. Shou I., *Tungi darbon* (Night watchman), Tashkent: East, 2003, 318 p.
21. QodiriyA., *Utkan kunlar* (Bygone days), Tashkent: G'afur G'ulom, 1972, 137 p.
22. Qodiriy A., *Ijod mashaqqati* (The hard work of creativity), Tashkent: Teacher, 1995, 129 p.
23. Qoshjonov M., *Hayot va mahorat* (Life and skill), Tashkent: Uzliterpublish, 1962, 166 p.
24. Quronov D., Mamajonov Z., Sheralieva M., *Adabiyitshunoslik lug'ati* (Dictionary of Literary Studies), Tashkent: Akadempublish, 2010, 378 p.
25. Hoshimov O., *Uzbeklar* (The Uzbeks), Tashkent: Gafur Gulom, 2018, 268 p.
26. Entsiklopedicheskiy spravochnik *Sovremennoe zarubejnoe literaturovedenie* Encyclopedic reference, Moscow: Intrada, 1999, 319 p.
27. Chris Baldick. *The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms*. New York: Oxford University Press, 112 p.
28. William H. Gass. The Concept of Character in Fiction. [El. resource]
https://sahityaparikrama.weebly.com/uploads/1/2/0/9/120943912/the_concept_of_character_in_fiction_william_gass.pdf
29. Bronte Ch. Jane Eyre. <https://planetebook.com>